

**ҚУШЛАР БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИНИ САҚЛАШДА
ОРНИТОФАУНАНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ,
АНТРОПОГЕН ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА БИОЗАРАРЛАНИШДАГИ
ИШТИРОКИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Баротов А.Х

Бухоро давлат университети

Тулаев Ж., Азодбоева Ф., Музafferova M

M. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ҳозирги вақтда ҳар қандай регионнинг турлар биохилма-хиллигини сақлаш нафақат табиий шароитда, балки антропоген трансформацияланган маданий ландшафтларда ҳам амалга оширилиши ўта муҳим. Кейинги йилларда турларнинг табиий яшаш муҳитларининг деградациялашуви ва айниқса антропоген трансформацияга учраган майдон кўламининг кенгайиши мазкур масаланинг долзарблигини янада оширади [2].

Айни вақтда турар жой ва саноат объектларини бунёд этишда бу ердаги биологик хилма-хилликни, жумладан орнитофаунанинг сақлаб қолинишида муҳим аҳамиятга эга бўлган орнитофаунанинг шаклланиш хусусиятларига деярли эътибор қаратилмайди. Ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятини юритишда айрим турларнинг яшashi учун қулай бўлган сунъий шароитни яратиш ёки тур яшаб келаётган табиий муҳитни муайян даражада сақлаб қолиш имкониятлари мавжуд. Шу орқали орнитофаунанинг антропоген трансформацияланишини юмшатиш ва унинг хилма-хиллигини маълум даражада сақлаб қолиш мумкин [3].

Орнитофауна хилма-хиллигини сақлаб қолишида унинг тарихий шаклланиш хусусиятларини таҳлил қилиш ўта муҳим. Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон орнитофаунасининг табиий шаклланишини белгиловчи омилларни шартли равишда учга, яъни тоғ, тўқай ва текистлик (чўл) худудлари ва уларга хос комплекс омилларга ажратиш мумкин. Тарихий хихатдан қайд этилган омиллар иштирокида шаклланган орнитофауна кейинги йилларда инсоннинг аралашуви натижасида кескин ўзгаришларга учради. Тўқайлар майдони қисқарди, текистликлар экин майдонлари сифатида ва чорвачиликда, тоғлар эса рекреация мақсадларида кенг фойдалана бошланди.

Натижала орнитофаунанинг табиий шаклланишини белгиловчи омиллар ўзининг таъсири ва аҳамиятини йўқотди. Буларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда, турларнинг яшаш мухитларини антропоген трансформация деб аташ мумкин.

Ўзбекистонда тўқайлар ва текистликлар нисбатан кучли трансформацияланган. Урбофоб күш турларнинг асосий қисми ушбу яшаш мухитларини тарқ этган ёки кам сонли турлар мақомини эгаллаган бўлса, аксинча айрим урбофил турларнинг (майна, гўнг қарға, қумри, дала чумчуғи) сони кескин ошган ва тарқалиш ареаллари кенгайган.

Трансформацияланган ҳудудларда турларнинг хилма-хиллигини сақлаб қолишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, уларда муҳофаза этишнинг қаттиқ режимларини ўрнатиш, айримларининг (буортмахона, биорезерват) муҳофаза мақомини ўзгартириш орқали уларга қўриқхона мақомини бериш зарур. Чунки ҳозирги шароитда турларни муҳофаза қилишда қўриқхоналар бошқа мақомга эга бўлган ҳудудларда нисбатан устиворликка эга.

Юқорида қайд этилган урбофил турлар Ўзбекистонда турли биозаарланишларда иштирок этиш орқали муаммоли турлар қаторига кириб улгурган. Айниқса майна ва гўнг қарғалар антисанитария ҳамда шовқин каби ифлослантирувчи вазиятларнинг шаклланишида фаол иштирок этади. Ушбу турлар бошқа турларнинг кўпайишга тўсқинлик қилиш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик тармоқларида турли биозаарланишларни юзага келтириш хусусиятларига эга [1, 4].

Албатта бу каби турларнинг биозаарланишдаги иштирокини чеклаш чора-тадбирларини жорий этишдан олдин уларнинг табиатдаги ва хўжаликдаги аҳамиятини чуқур ўрганиш талаб этилади. Акс ҳолда кутилган натижа ўрнига кутилмаган салбий вазиятнинг юзага келиш мумкин. Дунё тажрибасида, жумладан Ўзбекистонда бу каби салбий ҳолатлар кўплаб содир бўлган.

Муайян тунинг табиатда ва хўжаликдаги аҳамиятини холисона ва тўғри баҳолашда бир қатор қийинчиликлар учрайди. Булар қуйидагилар: ҳар бир турнинг ўз тарқалиш ареалининг турли қисмларида турлича аҳамиятга эга бўлиши мумкинлиги, турнинг сони, турнинг тарқалиш биотопларининг хилма-хиллиги, биологик хилма-хилликни сақлашга қаратилган ҳуқуқий базанинг ҳолати, жамиятнинг экологик онги, маданияти ва бошқалар. Ўзбекистон

шароитида турларнинг аҳамиятини баҳолашда уларнинг озуқа спектрини йил давомида ўрганиш ўта муҳим саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сапункова Н.Ю. Особенности защиты объектов народного хозяйства от биоповреждений, вызываемых птицами. Применение комплексного репеллентного метода. // Вестник МГОУ. Серия «Естественные науки» . – 2011 №2 . – С. 152 - 157.
2. Холбоев Ф.Р. Қизилқум региони шаҳарлари орнитофаунасининг шаклланиш хусусиятлари // Келгуси авлодлар учун-табиатни асрайлик. Минтақавий илмий-амалий анжуман. Навоий, 2008. – 64-65 б.
3. Холбоев Ф.Р. ва бошқ. Шаҳар экосистемаларида қушларнинг биозараарланишдаги иштироки ва унинг олдини олишга доир тавсиялар / Ўқув услугубий қўлланма. Тошкент. 2012. 20 б.
4. Хохлов А.Н., Маловичко Л.В. Особенности формирования гнездовых колоний птиц-норников // Орнитологические исследования в России (к 90-летию профессора А.В. Михеева). –Москва, Улан-Удэ, 1997. –С. 189-191